КУТУБХОНАСИ

**БЕЖИРИМ, СИФАТЛИ, ХАРИДОРГИР** 2-бет

**ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ СОВРИНДОРЛАРИ** 3-бет

**ИШ ЎРИНЛАРИ СИЗГА МУНТАЗИР** 4-5-бетлар



**МЕҲНАТ БАЙРАМИ КЎРИК-ТАНЛОВИ** 6-бет

ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 96 (10.149) / 2004 ЙИЛ 20 МАЙ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Марказий банкида ҳамда Республика инкассация марказида иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 14-сессиясида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

● **ПОЙТАХТИМИЗ** олий ўқув юртларининг фалсафа фанидан сабоқ берувчи ўқитувчилари иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман фалсафа фанининг долзарб муаммоларига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетида «Фан ва техника тараққиётида ёшлар» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● 1-**ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институтида мамлакатимиздаги ўқув ресурслари марказлари лойиҳаси асосида ташкил этилган ўқув семинарида хорижлик тиббиёт соҳаси мутахассислари ҳам иштирок этишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида Афғонистоннинг «Жайҳун» кинокомпанияси томонидан суратга олинган «Булутлар» бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди. Терроризмнинг аянчли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу фильмга афғонистонлик Сиддиқ Обидий режиссёрлик қилган бўлиб унда ўзбекистонлик актёрлар ҳам роллар ижро этишган.

● **БОҒИ** Эрам маданият ва истироҳат боғида «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлимлари ташаббуси билан «Маҳалламиз болалари байрами» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** Олий хореография мактабида бўлиб ўтган кеча рақс санъатининг жонкуярларидан бири Раиса Ҳожисаидова ижодига бағишланди.

● **МИРЗО** Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган «Очиқ эшиклар куни» тадбирида мактабларнинг юқори синфлар ўқувчилари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Иқтисодиёт*

## ЯНГИ МИЖОЗЛАР КЎПАЙМОҚДА





**Озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи кичик корхона ва хусусий тадбиркорлар томонидан тайёрланаётган сифатли, бежирим қадоқланган экологик тоза маҳсулотлар йилдан йилга кўпайиб бораётгани, қувончли ҳол албатта. Улар орасида Шайхонтоҳур туманида самарали фаолият юритаётган «Don-Kihot» хусусий фирмаси ҳам ўз ўрнига эга.**

Мазкур корхона 2002 йилда иш бошлаган бўлишига қарамай, бугунги кунда жамоа аҳлининг меҳнат маҳсули бўлган сифатли, хуштаъм майонез ва кетчуплар нафақат пойтахтда, балки республикамизнинг бошқа шаҳар ва вилоятларида ўз харидорларини топган ҳамда уларнинг сафи кенгайиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик билан иш юритаётган «Don-Kihot»чилар доимо янги маҳсулотлар яратиш йўлида интилиб, изланиб меҳнат қилмоқдалар. Улар харидорлар талабларини мунтазам, чуқур ўрганиш асносида 6 хилдаги мижозларни мамнун этаётган 1 ва 0,5 литр ҳажмда қадоқланган майонез ва кетчупларни ишлаб чиқармоқдалар.

Мазкур корхона цехига ўрнатилган юқори сифатли, юксак самарали технологик линияларда энг сара хом ашёдан фойдаланилган ҳолда узоқ муддат сақланувчи маҳсулотлар тайёрланишига эришилмоқда. Айни кунларда бир-биридан мазали, сифатли, хушбўй —«Провансаль», «Салатли», «Зайтунли» майонезлари қаторига янги маҳсулот «Пишлоқли»сини қўшиш учун ишлар қизғин кечмоқда. Янги маҳсулот ҳам аввалгилари каби харидоргир бўлиши мақсадида изланишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга маҳсулотларни шиша идишларга қадоқлаш ҳам режага киритилган, чунки бундай идишлардан тадбиркор уй бекаларимиз рўзғорда унумли фойдаланадилар. Жорий йилнинг биринчи чорагида корхона жамоаси 3 миллион 355 минг сўмлик майонез ва кетчупларни пойтахтимизнинг 400 тадан ортиқ савдо дўконларига, шунингдек Гулистон, Навоий, Фарғона, Самарқанд каби шаҳарларга жўнатган бўлса, янги мижозлар билан ҳам шартномалар тузилмоқда.

**Комила МИРКАМОЛОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Don-Kihot» хусусий корхонаси цехида иш қизғин.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*ЎЗБЕКИСТОН—ХИТОЙ:*

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва «ZTE» корпорацияси (Хитой) алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолади. У иккала томон учун ҳам фойдали бўлган, Ўзбекистонда телекоммуникация ва ахборот-коммуникация технологияларини замонавийлаштириш ва ривожлантиришга ёрдам берадиган муносабатларни йўлга қўйишни кўзда тутади.**

Агентлик бош директори ўринбосари Хуршид Мирзоҳидовнинг ЎзА мухбирига айтишича, имзоланган битим Ўзбекистон АКТ соҳасини янада ривожлантиришда, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришда катта аҳамиятга эга.

Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университетида махсус ўқув синфи ташкил этилиб, унда талабалар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмалари ва назарий билимларни мустаҳкамлайдилар. «ZTE» корпорацияси бунинг учун грант тариқасида тегишли ускуналар тақдим этади.

Бундан ташқари замонавий юқори технологик тизимлар билан ишлай оладиган талабалар, университет ўқитувчилари корпорациянинг бош қароргоҳи жойлашган Шеньжен шаҳридаги илмий-тадқиқот ва тренинг марказларида ўқийдилар ва малака оширадилар.

Мамлакатнинг қишлоқ жойларида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва аҳолининг сифатли телекоммуникация хизматларидан фойдаланишини таъминлаш учун шароит яратиш мақсадида «ZTE» корпорацияси грант тариқасида 5000 рақамга мўлжалланган ва ИСО-9001 халқаро стандартларига жавоб берадиган замонавий АТСларни етказиб бериши борасида қарор қабул қилди.

Ўзбекистонда CDMA мобил алоқаси илғор стандартларини жорий этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, мамлакатимиз корхоналари базасида юқори технологик ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида корпорация «Коинот» ОАЖ қувватларидан фойдаланган ҳолда мазкур стандартдаги мобил алоқа терминалларини ишлаб чиқариш ёки йиғиш бўйича биргаликдаги фаолият шартларини кўриб чиқади. Келгусида ахборот-коммуникация технологиялари восита ва тизимлари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида ҳам ҳамкорлик қилиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, битимда почта алоқаси ва унга замонавий АКТни жорий этиш бўйича ҳамкорлик кўзда тутилган. «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компаниясида ахборот-коммуникация технологиялари восита ва тизимларини жорий этиш лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Унинг амалга оширилиши қатор ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, хизматлар сифатини ошириш, алоқа бўлимларида электрон почта, Интернет хизматларини жорий этиш имконини беради.

**ЎзА мухбири**

**Виктор НИКОЛАЕВ суҳбатлашди**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Кеча Адлия вазирлигида Ўзбекистон, Германия ҳамда Япониянинг нуфузли олимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг мутахассислари, жамоат бирлашмалари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги таҳрирининг концепцияси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Тошкентда Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази ҳамда «JICA» агентлиги иштирокида «Рақобатни ривожлантириш сиёсатини республика ва хорижда қўллаш амалиёти» мавзуида семинар ташкил этилди.**

**● Хивада Қирғизистон, Қозоғистон, тожикистонлик архитекторлар, тарихчилар, археологлар, реставраторлар ва бошқа мутахассислар иштирокида Марказий Осиёда маданий меросни сақлаш ва реставрация қилиш масалаларига бағишланган республикалараро семинар бўлиб ўтди.**

**● Мустақиллик куни арафасида Япония халқаро ҳамкорлик банки кредити ҳисобига Қонликўл туманида 1100 та абонентга мўлжалланган янги рақамли АТС ишга тушади.**

**● Шаҳрихон туманидаги академик Тошмуҳаммад Саримсоқов номли ширкат хўжалиги меҳнаткашлари қабул омборларига 19 тонна ҳосил топширган ҳолда пилла тайёрлаш бўйича шартномавий-режани вилоятда биринчи бўлиб бажардилар.**

### Жаҳонда

**● Ҳиндистон Миллий конгрессининг етакчиси Соня Ганди мамлакат янги бош вазирининг номини маълум қилди. У — Ҳиндистон Миллий конгрессининг юқори мартабали аъзоси, мамлакатнинг собиқ молия вазири Манмохан Сингхдир.**

**● Грузия парламенти Аджария мухториятининг янги мақоми бўйича конституцияга киритиладиган ўзгартиришлар лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ҳақида қарор қабул қилди.**

**● Рим папаси Иоан Павел II таваллудининг 84 йиллигини нишонлади.**

**● Европа Иттифоқи террорчилар ва террор фаолиятига алоқадорликда гумон қилинаётган ташкилотлар ва гуруҳларнинг янги рўйхатини эълон қилди.**

**● Қозоғистон ва Хитой Каспий денгизидан нефтни Хитойнинг ғарбий қисмига экспорт қилиш мақсадида икки давлат ўртасида нефть қувури бунёд этиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолади.**

*Иқтисодиёт*

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК МОСЛАМАЛАР

***«Тошкент Трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамиятида қатор ишлаб чиқариш лойиҳалари асосида маҳсулот тайёрлаш жараёнлари амалга оширилмоқда. Маҳаллий хом ашё негизида бутловчи техник мосламаларни яратишга қаратилган лойиҳа ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.***

Гидравлик домкратлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш мақсадида кўрилаётган техник тадбирлар корхона истиқболини белгилашда муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Тракторлар ва уларга тиркаладиган механизмлар учун мослаштирилган бундай қурилмаларни кўплаб тайёрлашга киришилмоқда. Шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу жараён йўлга қўйилади.

Қўрилган бу муҳим тадбир корхона ишлаб чиқараётган агрегатлар иш унумини ошириб, уларнинг хизмат кўрсатиш муддатини янада узайтириш имконини беради.

## ХАРИДОРБОП ПЛАСТИК МАҲСУЛОТЛАР

***«Совпластитал» ўзбек-италия қўшма корхонаси ўзининг ранг-баранг пластик маҳсулотлари билан кўпчиликка яхши танилиб қолган. Шу йилнинг ўзида бу ерда яна кўплаб хилдаги буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.***

Болалар ўйинчоқлари, рўзғор буюмлари ҳам харидорларга етказиб берилади. Янги йил арча безакларининг янги хил намуналари ҳам тайёрланади.

Болалар боғчаларига совға қилиш мақсадида ҳайвонлар тасвири акс этган турли композицияларни ишлаб чиқариш тадбирлари кўрилди. Бундан ташқари электр жиҳозларини тайёрлаш режаси белгиланди. Деворлар ичидан ўтадиган электр симлари ҳам харидорларга етказиб берилади.

Стадионларни ўриндиқлар билан таъминлаш бўйича шартномалар тузилади.

## ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

***Кейинги йилларда пойтахтимизда транспорт қатнови кенгайиб, йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат турлари анча кўпайди. Айни вақтда аҳолига маданий транспорт хизмати кўрсатиш йўлида ҳам ибратли тадбирлар кўрилмоқда.***

Шаҳримизда бундай саъй-ҳаракатни янада яхшилаш мақсадида «Энг намунали йўналиш»ни йўлга қўйишга киришилганлиги ҳам айни муддао бўлди.

Шу мақсадда «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси бошқаруви ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раёсатининг қўшма қарори қабул қилинди.

«Энг намунали йўналиш» кўрик-танлови Низоми тасдиқланди. Бу ҳужжатда автокорхоналар, трамвай-троллейбус депоЛари жамоалари, касаба уюшма қўмиталари томонидан белгиланган тадбирлар ўз ифодасини топди.

Йўловчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиш маданиятига, самарали техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришаётган жамоалар муносиб тақдирланади.

**Акбар АЛИЕВ**

*Бозор ва харидор*

## БУГУННИНГ МЕҲНАТИ — ЭРТАНИНГ БАРАКАСИ

***Харидорларимиз бугунги кунда ўзимизда тайёрланган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни тан олишмоқдами, демак бу тадбиркорларимизнинг изланишлари, уларга мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар самараси. Ҳозирда бозор кезиб маҳсулот харид қилган харидор илгаригидай «ўзимизники» деса қўл силтамай, «Ишласа бўлар эканку-я, қандай яхши» деб мамнун бўлаяптими, демак маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз изланишмоқда, ҳаракат қилишмоқда. Ҳаракат эса бесамар бўлмайди.***

Пойтахтимизда ўзининг илк фаолиятини хорижники билан бемалол рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотлар тайёрлашдан бошлаган «TALYANA» хусусий фирмасининг «KHAMZA collection» ёрлиғи остида чиқарилаётган эркаклар костюм-шимлари ички бозорда ўз ўрнини топиши баробарида, қўшни республикалардан ҳам буюртмалар тушаётгани билан ажралиб туради. Бу борада албатта тадбиркор раҳбар, фирмани яхши ниятлар билан очган Ҳамза Ҳушвақовнинг муносиб ўрни яққол кўзга ташланади.

Ҳамза Ҳушвақов Туркиянинг Истамбул университетида таҳсил олар экан, у ердаги йирик тўқимачилик фабрикаларида бўлди. Ана шундай корхоналарда тайёрланган бежирим, сифатли, ҳар қандай одамнинг қадди-қоматига мос замонавий кийим-кечаклар унда ҳайратланиш ва ҳавас уйғотар экан, дилига шундай маҳсулотларни ўзимизда ҳам ишлаб чиқариш истаги уйғонади. Фақат Ўзбекистонда эмас, балки жаҳоннинг кўплаб давлатларида талаб кучли, харидори мўл бўлган сифатли тайёр кийимларни ишлаб чиқаришни она-Ватанда уддалашга аҳд қилган Ҳамза анчагина изланди, тажриба орттирди.

Албатта, мақсадга билим, саъй-ҳаракат, машаққатли меҳнат эвазига етишиш мумкинлигини яхши англаган Ҳамза Ҳушвақов тадбиркорликка қўл урар экан, аввало имкониятларини чамалаб чиқди, аниқ режа тузди. Ахир сифатли маҳсулот, бунинг устига четники ўрнини босадиган товар тайёрлашнинг ўзи бўлмайди-да. Биринчи навбатда замонавий ускуна, малакали мутахассис, яхши хом ашё зарур. Шунинг учун ҳам фирмани ташкил этиш жараёнида шартнома асосида туркиялик юқори малакали мутахассислар таклиф этилди. Улар цехларга дастгоҳларни ўрнатиш, кадрларни ўқитиш ва ўргатиш, маҳсулот сифатини таъминлашда ёрдам беришди. Изланишлар самара берди. Негаки бугунги кунда корхонада тикилаётган турли бичимдаги эркаклар костюм ва шимлари четдан келтириладиган ана шундай товарлар билан рақобатлаша олиши баробарида, нархи улардан бирмунча арзон ҳамдир.

Бугунги шароитда бозорни ўрганмаган, харидор дид ва эҳтиёжини эътиборга олмаган ишлаб чиқарувчи фақат ютқазади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида омбор учун эмас, харидор учун ишлаш лозим. Ана шуни ҳис этган ҳолда фирма тадбиркорлари ҳам ички, ҳам жаҳон бозорини ўрганишади. Биринчи навбатда ички бозорда хорижники билан тенглаша оладиган маҳсулот тайёрлашга интилишади. Бу эса четга валюта чиқиб кетишининг олдини олиб, иқтисодиётимиз ривожида муҳим ўрин тутади. Шу боисдан ҳам фирмада маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилган. Маҳсулот экспортини таъминлаш борасида хорижий ҳамкорлар билан иш олиб борилмоқда. Қозоғистон ва Қирғизистонда корхонанинг савдо уйлари фаолият кўрсатаётган бўлса, яқин кунларда Тожикистонда ҳам савдо уйи ташкил этиш режаланган.

Корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар сони 40 нафарга етди, яъни ўтган 3 йил мобайнида 2 бараварга ортди. Тикувчиларнинг барчаси танлов асосида қабул қилинган малакали кадрлардир. Бунинг асосий боиси қўшимча цехлар ташкил этилиб, уларнинг янги дастгоҳлар билан жиҳозлангани, натижада ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишидадир. Энг муҳими эса сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бош мезон бўлаётганида.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, ишчиларга етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида 1500 квадрат метрлик майдонда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Япониядан энг охирги маркадаги тикув машиналари келтирилиб, цехларни жиҳозлаш йўлга қўйилди. Эндиликда ушбу цехларда замонавий дастгоҳлар асосида фақатгина костюм-шимлар эмас, балки эркаклар куртка ва пальтоларини тикиш устида иш олиб борилмоқда.

— Сифатли маҳсулот, шубҳасиз яхши, талаблар даражасидаги хом ашёдан тайёрланади, — дейди фирма директори Ҳамза Ҳушвақов. — Шу боис ҳам биз 90 фоиз хом ашё, яъни матоларни хориждан келтирамиз. Ўзимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар билан ҳам ҳамкорлик қиламиз. Лекин ҳозирги пайтда бундай матолар жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош кийим-кечаклар тайёрлашда етарли эмас. Ҳозирда юртимизда тадбиркорлик учун кенг йўл очилган, бизни ва ишимизни қўллаб-қувватловчи, яхши имкониятлар, етарли шарт-шароитлар яратувчи кўплаб ҳужжатлар қабул қилинаётгани барчага маълум. Улардан оқилона фойдаланган ҳолда ўзимнинг бир фикримни айтиш ҳам ўринли деб биламан. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга четдан хом ашё келтиришда божхона тўловлари камайтирилса, товарларимиз таннархи янада арзонлашиб, харидорларимиз сафи ортади, экспорт ҳажми ҳам кўпаяди деб ўйлайман. Имкониятдан келиб чиқиб, 3-4 ой ичида яна қўшимча 20 тадан ортиқ ишчи ўрни яратиш ниятимиз бор. Маҳсулотларимиз турлари эса ўз-ўзидан бозорни ўрганиш асосида кўпайиб бораверади. Мақтаниш эмаску, лекин келажакда ўз соҳамиз бўйича «гигант» бўлиш ниятимиз бор, албатта. Фақат биз тайёрлаган кийим-кечакларни киювчи, бундан фахрланувчи харидорларга эга бўлсак кошки эди.

Орзуга айб йўқлиги, шубҳасиз. Лекин унинг орзулигича қолиб кетмаслиги ҳаракатга боғлиқ. Тадбиркорларда ана шундай ҳаракат бор. Улар мамлакатимиздаги ва халқаро кўргазмаларда ҳам муваффақиятли қатнашишмоқда, обрў қозонишмоқда. Ютуқлар эса ўз-ўзидан изланишга замин бўлади. Яқин келажакда «TALYANA»да ишбилармонлар учун кўйлак ва бўйинбоғ (галстук)лар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Бунинг учун эса Япониядан янги ускуналар келтириш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлар «Бугуннинг меҳнати — эртанинг баракати» деган нақл асосида ишлашмоқда, изланишмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**





**СУРАТЛАРДА: тикувчилар фаолиятидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## СОҒЛОМ ТУРМУШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

***Пойтахтдаги Бектемир, Миробод ҳамда Ҳамза туманларида Тошкент шаҳар “Оқсоқоллар” кенгаши, “Ибн Сино” халқаро жамғармаси ҳамда “Маҳалла” жамғармаси томонидан давра суҳбати ўтказилди. Унда ушбу туманларда яшовчи кам таъминланган оилалар иштирок этди.***

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалашга қаратилган кўпгина дастурлар ишлаб чиқилган. Улар доирасида амалга оширилаётган тадбирлар асосан соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилгандир. Бугунги кунда ушбу йўналишдаги ишларни янада жонлантириш мақсадида “Саломатлик”, “Оналик ва болалик”, “Ёш оила” каби мактаблар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, дастур доирасида юртимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотлар, халқаро жамғармалар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам ўз лойиҳалари билан иштирок этишмоқда.

“Ибн-Сино” халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар “Оқсоқоллар” кенгаши ҳамда “Маҳалла” жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида ҳам асосан аёлларда камқонликнинг олдини олиш, болалар ҳаёти учун хавфли бўлган вирусли гепатит, унинг профелактикаси ва даволаш масалалари бўйича мутахассисларнинг фикрлари тингланди.

Сўнгги вақтларда аёлларда тез-тез учраётган камқонлик касаллигининг олдини олиш, уни даволаш мақсадида дунёнинг кўплаб фармацевтика компаниялари сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Давра суҳбатида ана шундай дори-дармон тайёрлайдиган корхоналардан бири, Швейцариянинг “Венефорен” Интернейшнл компаниясининг маҳсулоти ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, инъекция йўли билан организмга юбориладиган ҳамда камқонлик касаллигининг турли оқибатларини бартараф этадиган “Венефорен” дориси ёрдамга муҳтож аёлларга тарқатилди.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**“Туркистон-пресс”**

*Таълим*

## ИЗЛАНУВЧАН ОЛИМ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

**Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бакалавриат ва магистр йўналишидаги толиби илмларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш борасида самарали изланишлар олиб борилмоқда. Тошкент Давлат педагогика университети олимлари томонидан яратилаётган дарслик ва қўлланмалар ҳам муҳим маърифий аҳамият касб этмоқда.**

Физика ва уни ўқитиш методикаси кафедра доценти Мамадмуса Мамадазимов томонидан ёзилган ўқув адабиётлари ҳам эътиборга сазовор. «Физика ва астрономия» мутахассислиги бўйича тайёрланган ўқув дастури таълим жараёнида қўл келмоқда. Доцентнинг «Астрономия» деб номланган ўқув қўлланмаси академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун яхши совға бўлди. «Космонавтика асослари»га доир изланишлари ҳам мутахассисларнинг ижодий баҳосига сазовор бўлди.

## ЭНГ ЯХШИ ФАКУЛЬТЕТ

**Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида уюштирилаётган ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавият-маърифат каби жараёнлар ўз ижобий натижасини бермоқда. Олий ўқув юртида фаолияти яхши баҳоланаётган бу факультетда кадрлар тайёрлаш борасида қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда.**

Иқтидорли талабалардан бир нечтаси Президент стипендианти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндоридир. Жанубий Корея республикасининг чет давлатларидаги корейсларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг халқаро стипендиясини олиб ўқиётган иқтидорли ёшлар ҳам бор.

Битирувчи талабалардан 20 дан ортиғи эса «Умумий амалиёт шифокори» мутахассислигига эга бўлди.

## «ФАН»НИНГ ТУҲФАСИ

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари» қўлланмасини чоп этди. Энг қадимги даврдан XIX асргача бўлган адабий жараён даврини ўз ичига олган бу нашр республикамиз олий ўқув юртлари филология факультетларига муносиб тортиқ бўлди.**

Шуниси диққатга сазоворки, мазкур мажмуада улуғ алломалар ижодий меросини ўрганишга хизмат қилувчи материаллар талайгина. Абу Али ибн Синонинг Марказий Осиёдаги бадиий насрнинг ривожланишига қўшган ҳиссасига оид фикрлар ҳам қимматлидир.

Вали АҲМЕДОВ

*Санъат оламида*

# ЎЗ ЮЛДУЗИНГНИ ЧАРАҚЛАТ

**Ҳар йили баҳор ойларида Москва шаҳрида ёш эстрада хонандалари учун «Ўз юлдузингни ўзинг чарақлат» номли болалар ва ўсмирлар ижодий халқаро фестивали ўтказиб келинади. Бу йил ҳам анъанавий тарзда «Ўз юлдузингни ўзинг чарақлат» номли V Халқаро болалар ва ўсмирлар ижодий эстрада қўшиқчилиги фестивали бўлиб ўтди.**

Бу йилги фестивалда 46 давлатдан ёш санъат ғунчалари иштирок этди. Фестивалнинг асосий мақсади ёш эстрада хонандалари, янги овозлар, номлар ва янги юлдузларни кашф этишдир. Фестивалда МДҲ ва россиялик ёш эстрада хонандалари ўз санъатларини намойиш этдилар. Фестивалда шаҳримиздаги Ҳамза номидаги мусиқа коллежидан тўрт талаба қизлар иштирок этиб, муваффақиятларга эришиб қайтдилар. Бу ҳақда коллеж раҳбари Ботир Матёқубов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ушбу фестиваль асосан Москва мэри ҳамда кўпгина бошқа ташкилотлар, яъни Болалар эстрада санъати академияси, «Солнечный круг» продюсер маркази, «Болалар ва ўсмирлар ижодий жамоалари» ассоциацияси ҳамда «Зажги свою звезду» фестивали дирекцияси ҳомийлигида ташкил этилди.

Ҳамза номидаги мусиқа коллежи талабалари икки йилдан буён эстрада жанри йўналиши бўйича ушбу фестивалда иштирок этиб келмоқдалар. 2003 йили ҳам учта талабамиз бориб яхши ўринларга сазовор бўлиб келган эди. Бу йил ҳам 4 нафар қизларимиз бу фестивалда иштирок этиб, шулардан 3 таси нуфузли 1-3-ўринларни эгаллаб қайтишди. Коллеж қошида очилган болалар мусиқа мактаби ўқувчиларининг ҳам бу фестивалда қатнашиши анъанага айланиб бормоқда. Энг қувонарлиси шундаки, коллежимиз қошидаги болалар мусиқа мактаби ўқувчилари шундай халқаро фестивалларда иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгалласа, коллежимизнинг биринчи курсига имтиёзли тарзда қабул қилинади. Фестивалда миллий анъаналарни сақлаш номинацияси бўйича дипломга эга бўлдик. Совриндорларимиздан Екатерина Косокина икки йилдан буён иккинчи ўринни қўлга киритиб келмоқда. У худди ўтган йилдагидек халқ вокалида, академик вокалда ва дуэтда ўз санъатини намойиш этди. Шунингдек, Марина Ходжиева миллий анъаналарни сақлаш йўналиши бўйича ҳамда дуэт йўналишида ўз санъатини кўрсатди. Ширин овозли Карина Тимофеева эса Гран прига сазовор бўлди. Карина бундан ташқари эстрада вокаль йўналиши бўйича биринчи ўринни, композиторлик фаолияти учун учинчи ўринни ҳамда академик вокаль йўналиши бўйича фахрли учта дипломларни қўлга киритиб қайтди. Карина ўзи басталаган қўшиқларни ҳам зўр маҳорат билан ижро этди. Энг қувонарлиси, уни Москва Давлат консерваториясига ўқишга таклиф қилишди.

Фестивалда 16 ёшгача бўлган тоифада 2-курс талабаси Карина Сафариян якка эстрада йўналиши ҳамда дуэт йўналиши бўйича иштирок этиб, 3-ўринни қўлга киритди. Шунингдек, коллеж қошидаги мусиқа мактаби ўқувчиси 14 ёшли Сабина Валиева ҳам халқаро мусиқа анжуманида иштирок этиб, иккинчи босқичга чиқиб диплом билан тақдирланди. У Ўзбекистон миқёсида ўтказилган «Олтин микрофон» танловида биринчи ўринни қўлга киритган.

Ҳақиқатан талабаларнинг аксарияти юртимизда ўтказилаётган «Она юртим наволари», «Янги номлар», «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Янги тароналар» каби қатор танловларнинг совриндорлари ҳисобланишади. Уларнинг кўпчилиги рус тилида сўзлашишидан қатъий назар, ўзбек ва бошқа тилларда нуқсонсиз аниқ куйлайдилар. Ишончимиз комилки, коллеж талабалари бундай ютуқлардан руҳланган ҳолда келажакда ўзлардаги бор имкониятларни ишга солиб, Ватанимиз байроғини янада юқорига кўтариш учун сидқидилдан ҳаракат қилади.

Гуларо АБДУЛЛАЕВА



Гуллар каби беғубор бўлинг!

*Ёшлар — келажагимиз*

## ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАДИ

**Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Олмазор» маҳалласида инглиз тили бўйича ўқув курси очилди.**

Мазкур ўқув курси бепул бўлиб, унда етти ёшдан юқори бўлган ва шу маҳаллада истиқомат қилувчи ёшлар ўқитилади. Курсни ташкил этишдан мақсад — маҳаллада истиқомат қилаётган ёшларга кенг эътибор ажратиш, уларнинг истиқболдаги режаларини амалга оширишдир. Ёшларни ўқитиш учун малакали ва тажрибали ўқитувчилар жалб қилинди.

Нодира БОТИРБЕКОВА

## РОССИЯ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЙЎЛЛАНМА

**“Росзарубежцентр” ваколатхонаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Рус маданият маркази ҳамкорлигида вилоят мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Рус сўзи дунёси” танлови ғолиблари аниқланди.**

Иккита саралаш босқичларидан сўнг юздан ортиқ номзодлар ичидан рус тилининг кучли билимдонлари танлаб олинди. Биринчи ўринга 11-синф ўқувчилари Диана Қосимова (Самарқанд шаҳри) ва Татьяна Белова (Тошкент вилояти) сазовор бўлдилар. Улар 2004 йилнинг сентябридан бошлаб Россия давлатининг олий ўқув юртларида таҳсил олишади. Иккинчи ўринга лойиқ деб топилган янгийўллик 10-синф ўқувчиси Сергей Деревянкин Россиянинг ёзги дам олиш оромгоҳига йўлланмани қўлга киритди. Учинчи ўрин соҳиби Чернишова Олеся эса магнитола билан тақдирланди.

— Икки йилдан буён ўтказилиб келинаётган мазкур танловда бош соврин, яъни Россия олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинишга лойиқ ғолибни аниқлашга қийналдик, — деди “Росзарубежцентр”нинг масъул ходими Лола Широва. — Чунки танлов иштирокчилари орасида рус тилини чуқур ўзлаштирган ўқувчилар кўпчиликни ташкил этарди. Шунинг учун биринчи ўринга икки нафар иштирокчини танлаб олдик.

Ўтган йили танловда фақат Тошкент вилояти мактаб ўқувчилари иштирок этган бўлса, бу йили Самарқанд ва бухоролик ўқувчилар ҳам қатнашдилар. Танловнинг биринчи босқичи маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган 15 та топшириқни бажаришдан иборат эди. Иккинчи босқич эса оғзаки ва ёзма шаклда бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, рус тили ва адабиёти фанидан саволлар иштирокчиларнинг нафақат мактаб дастури доирасидаги билимларини, балки уларнинг фикрлаш қобилиятларини синашга ҳам мўлжаллаб тузилган.

Н.ДЕВЛИСУПОВА,
“Туркистон-пресс”

**Болалар ҳаётимизнинг нурли ва ёркин давомчилари. Умримиз мазмуни, эртанги кунимиз ва келажагимизнинг пешқадам ва зукко вакилларидир.**

*Ҳамкорлик*

## БОЛАЛАР КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасида тўрт кун давомида «Россия болалар ва ўқув китоби 2002-2004» кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмани Болалар китоби клуби, Россия давлат болалар кутубхонаси, Россия китоб нашриётлари ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси ўзаро ҳамкорликда тайёрлашди.

— Бу кўргазма, — дейди тадбирнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Баҳодир Қурбонов, — Россия болалар ва ўқув китоблари нашрларининг кичиклашган кўринишида унинг ҳозирги ҳолатини объектив равишда акс эттиради. Кўргазмадаги адабиётлар бошқа турли хил диапазондаги мавзу ва жанрларни очиб беради. Шунингдек, кўргазмадан ўқув ва болалар адабиёти (барча ёшга мўлжалланган), ўйинчоқ китоблар, бадиий адабиёт, илмий-оммабоп, маълумот энциклопедик китоблар, насрий ва шеърий адабиётлар, кундалик ишлаш учун совға нашрлар ўрин олган.

Дарҳақиқат, кўргазмадан «Росэмн», «Просвещение», «Белый город», «Терра», «Дрофа», «Оникс-21 век», «Азбука», «Ўрта-Урал» нашриёти, «Калининград» каби жами 23 та Россия нашриётларининг адабиётлари намойиш этилди.

Россиядан ташриф буюрган делегация вакиллари тўрт кун мобайнида Темурийлар тарихи давлат музейи ва амалий санъат музейига, Алишер Навоий номидаги Академик театрга ташриф буюришди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



*Бизнинг бугунги суҳбатдошимиз Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли энг ёш — Бектемир тумани меҳнат бўлими раҳбари Мансур ТОЛИБОВ жорий йилнинг ўтган даврида жамоа аҳли амалга оширган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:*

*Мусоҳаба*

# ОҚСОҚОЛЛАР — ЯҚИН КЎМАКЧИМИЗ

— Мазкур соҳадаги тажрибамга суянган ҳолда айтишим мумкинки, меҳнат бўлимимиз фаолият доираси қанчалик кенг бўлмасин, уни ҳамкорларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Туманимиздаги маҳаллалар — ўзини ўзи бошқариш органлари оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссияси раисалари, фаоллари, посбонларнинг яқиндан кўмагисиз меҳнат нозирларимиз бу ерларда истиқомат қилувчи иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш ва қайта ўқитишга юбориш борасида яхши натижаларга эриша олмайдилар. Маҳаллалар аҳолисини оқсоқол каби ҳеч ким яқиндан билмайди.

Туманимизда 12 та маҳалла мавжуд бўлса, барча оқсоқолларимиз маҳаллаларидаги ҳар бир оилани ҳам, фуқароларни ҳам жуда яхши танишади. Ходимларимиз маҳаллалар оқсоқоли билан елкама-елка фаолият юритмоқдалар.

Бизнинг асосий вазифаларимиз ҳам ҳар бир хонадонга кириб бориш, яъни маҳаллага меҳнат нозири келди, дея муаммолари билан чиққан фуқароларга имкониятларимизни тушунтириш, малакали маслаҳатлар бериш, айниқса, меҳнат бозорида тенгма-тенг рақобатга кириша олмайдиган аҳоли — ёшлар, кўп болали ва ногирон фарзанди бўлган оналар, ногиронлар, мактаб, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларининг битирувчилари, жазони ўташ жойларидан бўшаб келган фуқароларга тегишли ёрдам кўрсатишдир.

Жумладан, ўзини-ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларда фарзандлари учун 2 ёшгача ва 18 ёшгача нафақа олувчилар ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўмак бериш, бозор иқтисодиёти шароитида озгина мадад бўлишга интилмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги «Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида туманимиздаги ҳамма маҳаллаларда қайта мониторинг ўтказилди ҳамда 994 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар рўйхатга олинди, улардан ишлашни хоҳловчилар 497 нафарни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 88 нафар киши иш билан таъминланган ҳамда 20 нафар фуқаролар касбга ўқитиш учун ўқув марказига юборилган. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 6 нафар фуқаро йўлланган. Туманимизда ташкил этилган янги иш жойлари 213 та бўлиб, 1 чоракда меҳнат бўлимимизга 124 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этди. Шулардан 63 нафарини 30 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этади.

Жорий йил бошидан буён туман ҳокимининг қарорига асосан, 34 та корхона ва ташкилотларда 271 та махсус иш ўринлари ташкил этилган бўлиб, уларга 5 нафар фуқаро меҳнат бўлими орқали, 7 нафари мустақил равишда ишга жойлашдилар.

Эътиборли томони, меҳнат бўлими орқали туманимиздаги 128 та оилага 4522,6 минг сўм миқдорида болалар нафақаси, муҳтож оилалардан 109 тасига 1963,8 минг сўм ёрдам пули тўланди.



Ҳозирги кунда меҳнат нозирларининг ишлари қизғин паллага кирган. Чунки ҳадемай битирувчи ёшлар учун катта меҳнат ярмаркаси ўтказиш режаланган. Унга пухта тайёргарлик асносида жонкуяр, ўз соҳасининг билимдонлари ҳисобланган ходимлардан Маҳбуба Холиқова, Бекали Юнусалиевлар меҳнатларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Улар ҳар бир битирувчи билан суҳбатлар ўтказиб, маслаҳатлар, йўл-йўриқлар беришади. Шунингдек, туман меҳнат бўлими томонидан «Битирувчи-2004» меҳнат ярмаркаси ўтказилиши устида ишлар қизғин кечмоқда.

Хуллас, жорий йил бошидан қилинган ишлар натижаси қониқарли бўлишига қарамай, туман меҳнат бўлимининг жонкуяр жамоаси янги-янги режалар тузган ҳолда иш юритмоқда. Унумли меҳнат, доимий изланиш эса ўз самарасини, албатта беради.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**ёзиб олди.**

**СУРАТЛАРДА: Бектемир туман меҳнат бўлими фаолиятидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Ярмаркалар*

# ИШ ЎРИНЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

***Куни кеча «Фарҳод» бозори ёнида Акмал Икромов туман меҳнат бўлими ташаббуси билан «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси ўтказилди.***

Эрта тонгдан меҳнат бўлими ходимлари ҳамда тумандаги 56-та корхона ва ташкилотларнинг вакиллари мазкур бозор қаршисидаги автомашиналар тўхташ жойида фуқароларни кутиб олишга ҳамма нарсаларни тахт қилишди. Шу куни банд бўлмаган аҳоли учун тумандаги «Osiyo fud» очиқ акционерлик жамияти, «Надежда» ўқув ишлаб чиқариш комбинати, «Фонон» корхонаси, «18-автобус саройи» очиқ акционерлик жамияти, қурилиш бошқармалари, маҳаллалар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа жамоалардаги 643 та бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар тавсия этилди.

Туманимизда 50 та маҳалла мавжуд бўлиб, — дейди туман меҳнат бўлими раҳбари Тозагул Акромова, — ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудларига бириктирилган инспекторларимиз маҳаллалар оқсоқоллари билан мунтазам ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Айнан бу каби меҳнат ярмаркаларини банд бўлмаган аҳолига ишга жойлашиш, касбга эга бўлмаганларга ўқишга йўлланма олиш учун қулай бўлган қўшимча яратилган имконият деб ҳисоблайман.



Меҳнат ярмаркасида қатнашган 1686 нафар фуқаролар меҳнат бўлимининг малакали ходимларидан маслаҳатлар олишди. 64 нафар фуқарога эса ўзларининг хоҳиш-истакларига кўра мутахассисликлари, малакаларига асосан турли корхона ҳамда ташкилотларга йўлланмалар шу ернинг ўзида берилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига йўлланма сўраб келган 44 нафар фуқароларга мутахассислар маслаҳатлари берилди.

Жорий йилда бу каби ярмаркаларни меҳнат бўлими ходимлари жами 11 марта ўтказишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бу катта ярмарка бўлиб, ҳудудий ярмарка «Ўрикзор» маҳалласида апрель ойининг охирларида ўтказилганди, июнь ойининг охиригача Абдулҳай Тожиев, «Қориёғди», «Дўстлик» маҳаллалари ҳудудларида ҳам меҳнат ярмаркалари ўтказилиши режага киритилган. Тумандаги мавжуд бир маротабалик вақтинчалик иш билан таъминлаш маркази фаолияти ҳам иш билан банд бўлмаган фуқароларга қулайлик яратиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида ташкил этилган.

**Муяссар АБДУРАСУЛОВА**

**СУРАТЛАРДА: Акмал Икромов туман меҳнат бўлими ташаббуси билан ўтказилган ярмаркадан лавҳалар.**



# ИШГА МАРҲАМАТ!

*Ёшлар — келажагимиз*

## БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР

***Мустақиллик шарофати билан фарзандларимизнинг таълим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун давлатимиз томонидан етарли имконият, шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи биноси ҳам ўтган йили қайта таъмирланиб, янги қиёфа касб этган ҳолда, замонавий жиҳозланиб ўқувчиларга топширилди.***





Мазкур коллежнинг таъмирлаш ишларига ҳамда унинг ўқув хоналарини жиҳозлаш мақсадлари учун Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси 16 миллион сўм маблағ ажратди. «Туронмарказқурилиш» акционерлик жамияти қурилиш бошқармаларининг қўли гул бунёдкорлари бинони белгиланган муддатларда, сифатли таъмирдан чиқардилар. Бугунги кунда коллеж биноси барча талабларга жавоб берувчи таълим масканига айланди. 2003 ўқув йилига қадар бу билим даргоҳи 18-касб-ҳунар мактаби сифатида фаолият юритарди. 2003 йилда коллеж мақомини олган таълим ўчоғида бугунги кунда 791 нафар ўқувчи 5 та йўналиш бўйича мутахассисликларга ўқитилмоқда.

Эътиборли томони, 2003-2004 ўқув йилида 165 нафар ўқувчилар коллежнинг биринчи қалдирғочлари сифатида «учирма» бўладилар.

ЭҲМ операторлари, бухгалтерия ҳисоби, тикувчилик ишлаб чиқариши, авточилангар ҳамда газпайвандчи мутахассисликларига коллежнинг 50 га яқин малакали, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқариш усталари ёшларни ўқитиб, амалий машғулотларни ҳам биргаликда олиб бормоқдалар.

— Коллежимизда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади, дарслар кенг, ёруғ, тўла жиҳозланган 44 та ўқув хоналарида олиб борилади, дейди коллеж директори Равшан Жўраев. — Жумладан, амалиёт ўтказиладиган устахоналаримиз, замонавий компьютерлар ўрнатилган хона, кутубхона, «Маънавият ва маърифат», ўқув-услубиёт хоналари ўқувчиларимиз ихтиёрида.

Бундан ташқари каттагина спорт зали ҳам доимо ўқувчилар билан гавжум. Бу ерда, волейбол, баскетбол каби спорт турларидан тўгараклар ишлаб турибди. Фарзандларимизнинг соғлом ўсишлари, жисмоний чиниқишлари, асосийси бўш вақтлари беҳуда ўтмаслиги учун коллеж раҳбарияти жонбозлик кўрсатмоқда. Қувонарлиси, коллежда умумтаълим фанлари ва каштачиликдан ҳам тўгараклар фаолият юритмоқда.

Таълим масканида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ қила бориб, ўқувчиларга заҳматли, лекин шарафли касб эгалари — ўқитувчиларнинг аҳил жамоаси билим бериб, ҳунар ўргатмоқда. Умумтаълим ҳамда махсус фанлардан Қория Аллохунова, Александра Мошкина, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Матлуба Тоҳировалар меҳнатларини таъкидлаш ўринли.

Ёшларнинг севимли устозларидан тикувчилик ишлаб чиқариш устаси Розиля Глаголова доимо янгиликка интилади, изланади, ўқувчиларнинг ҳар бирининг қалбига йўл топа олиши билан обрў-эътибор қозонган. Билим масканида ўқув йили давомида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар: «Очиқ эшиклар кунлари», учрашувлар ўтказилади. Уларни уюштириш, қизиқарли тарзда ўтказишда ўқувчилар билан директорнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Мушарраф Йўлдошева доимий ҳамкорликда иш юритадилар.

Мазкур коллеж ўқувчилари ўқишни битиргач, меҳнат бозорида эркин рақобатга киришишлари учун таълим жараёнида амалий машғулотларга алоҳида ўрин ажратилган. Бу ерда мавжуд замонавий жиҳозланган устахоналардан ташқари «Тонг» очиқ акционерлик жамияти ва «Ўзқишлоқмаш заводи» акционерлик жамиятлари билан узоқ йиллардан буён шартнома имзоланган бўлиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик давом этиб келмоқда.

Шу билан бирга, ўқувчилар туманда ўтадиган танлов, олимпиадаларда ҳам фаол қатнашадилар. Жорий 2003-2004 ўқув йилларида Санжар Маърупов умумтаълим фанлари бўйича олимпиаданинг туман босқичида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринга сазовор бўлди, Арофат Иноятова эса миллий ҳунармандчилик йўналиши бўйича тенгдошлари орасида ўз иқтидори, иштиёқ-ҳаваси билан туманда ўтказилган кўрикда ғолибликни қўлга киритди.

Хулоса қилиб айтганимизда, мазкур коллежда юртимизнинг машинасозлик ҳамда енгил саноати учун малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Зукко ёшларимиз олган билимларини шу ернинг ўзида мустаҳкамлаб, амалиётни ҳам ўтамоқдалар. Шу боисдан ҳам улар келгусида ўз малакаларини ишлаб чиқаришда қўллашларига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

**СУРАТЛАРДА: Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежининг ҳаётидан лавҳалар.**

*Мулоҳаза*

## ТАЛАБ ВА ИСТАК МУТАНОСИБ БЎЛСА...

***Таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирда меҳнат бозорида маълум маънода номутаносиблик мавжуд. Масалан, айрим йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш ҳажми талабга нисбатан анчагина кўплиги яққол кўринса-да, баъзи касб бўйича мутахассислар етишмаётганини кузатамиз.***

Корхоналарда аввал етарли ҳисобланган, жуда кўплаб ёшлар эгаллашга интилган — электрчи, пайвандчи, чилангар каби малакали мутахассислар бугунга келиб «ноёб» бўлиб қолмоқда. Масалан, «Реле ва автоматика» очиқ акционерлик жамиятида бу мутахассисларга талаб юқори. Ўрта махсус ўқув юртларида эса 4 тоифали мутахассислар тайёрланади, шунинг билан бирга мазкур ўқув юртлари билан корхоналар ўртасида битирувчиларни кейинчалик иш билан таъминлаш, амалиёт ўташ, тажриба, малака орттириш мақсадларини кўзлаган ҳолда «Устоз-шогирд» анъанасини қўллаш борасида деярли алоқалар ўрнатилмаганлиги бизнингча, ачинарли ҳол.

Кўпгина корхоналарда металлургия соҳаси бўйича турли ишчи-мутахассисликларга талаб юқори бўлишига қарамай, бу борада соҳавий коллеж битирувчилари ҳақида корхона, ташкилотлар раҳбарларида умуман маълумотлар йўқ...

Шу билан бирга, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида ҳам бевосита муносабатлар ўрнатилмаган. Бугунги кунга келиб корхона, заводлардаги аксарият муҳандис-техник ходимларнинг ёши элликларга яқинлашиб қолган. Бу каби мутахассисликларга ўқиётганлар билим масканидаёқ иш ўрганиб боришлари амалиётни эса бевосита корхоналарда ўташлари нур устига аъло нур бўларди.

Битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида ҳам талай юмушлар қилиниши лозим. Масалан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида кейинги йилларда битирувчиларни ишга жойлаштириш, яъни уларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашлари йўлида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур олий ўқув юртида махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир битирувчини ишга жойлаш масаласи қатъий режага киритилган.

Қувонарли томони, бу олий ўқув юртида анъанага айланиб бораётган усулга тўхталсак. Мана бир неча йилдирки таҳсил олиш даврида юқори кўрсаткичларга эга бўлган битирувчиларни кимошди савдоси орқали мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш амалиётда кенг қўлланиляпти. Яъни, ёш мутахассис ўзи севган касбида ишлайди, корхона ҳам ёш, малакали кадрга эга бўлади, учинчи томон — ушбу институтнинг молиявий заҳираси ҳам бойийди, албатта.

Бу каби ижобий тажрибалар кенг қулоч ёйса, уни бошқа ўқув юртларида ҳам қўлланса, фақат яхши натижалар кутиш мумкин. Шаҳримизда ўттизга яқин олий ўқув юртлари бўлиб, уларда тўқимачилик институти жамоаси каби иш тутишса, қанчадан-қанча битирувчилар меҳнат бозорида ўзларига муносиб иш ўринларига эга бўлардилар. Бу борада айниқса, шартнома асосида олий ўқув юртларини битираётган ёшлар — йигит-қизларимизни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш ҳам муаммолиги ҳеч кимга сир эмас.

Улар учун ўтган йили Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага асосан янги иш жойларини яратиш мақсадида турли молия манбаларидан фойдаланишмоқда — кичик ва хусусий тадбиркорлик ҳамда қўшма корхоналар ташкил қилинмоқда...

Хуллас, меҳнат бозоридаги мавжуд талаб ва истаклар мутаносиблигини таҳлил қилиш ва ўрганиш, керакли чора-тадбирларни белгилаб, бу борада амалий ишларни бажариш вақти келди.

**Мастура ХАЛИЛОВА,**
**коллеж ўқитувчиси**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Айтди: Бирор кишининг аҳволида ўзгариш юз берса ва ҳаёт унинг учун оғирлашса, бундай одам ночор ва толесиз кишилар билан бу борада маслаҳат қилмаслиги лозимки, бундай одам берган ҳар бир маслаҳат тўғри йўлдан узоқ, нотўғри йўлга яқин бўлади.

● Бахтли кунларида дўстларидан алоқасини узган кишига бахтсиз кунларида ҳеч ким ёрдам бермайди.

● Кимки ҳаётим осонлик билан ўтсин деса, яхшию ёмонликдан унга нимаики етса, тангри таоллодан деб билсин, ҳою-ҳавасга берилмасин, ичини ҳасаддан холи тутсин, барчага нисбатан ўзини одил тутиб, бировга нисбатан инсофсизлик қилмасин!

● Паришонлик тўрт нарсадан юз беради: биринчи — дўстларидан айрилишдан, иккинчи — душманлар макридан, учинчи — яхши ишлардан юз ўгиришдан, тўртинчи — покдил одамларни хор тутишдан.

● Сўрадилар: Дўст ким?

Айтди: Оғир кунда ёрдам берган киши.

Сўрадилар: Дунёда энг ёмон нарса нима?

Айтди: Юраги қора дўст.

Сўрадилар: Юраги қора дўст нимага ўхшайди?

Айтди: Тушга ўхшайди, тушда ажойиб нарсаларни кўрасан, аммо уйғонганингда қўлингда ҳеч нарса бўлмайди.

● Дунё сенга хуш ўтиши учун ўзингни ўткинчи ҳою-ҳаваслардан асра, мол-дунёингни Худойи таолло розилиги йўлида сарф эт, шунда пушаймон емайсан!

● Ҳақиқий марднинг белгиси шуки, агар унда ажойиб раъйу фикр содир бўлса, бунга асло мағрурланмайди. Уни ёмонласалар, ғазаби ўрнидан қимирлата олмайди, агар уни мақтаб, кўкларга кўтарсалар унда манманлик пайдо бўлмайди, хайрли ишлар ва тўғри амалларга бош қўшади.

Яна деди: Бундан аввал одамларни ер ютаётганини кўрар эдим, энди қарасам, одамлар ерни ютишяпти. Кимки одамларга яхши ишларни буюриб, ўзи бу ишни қилмаса, бу ўзи бошқалар учун қўлида чироқ тутган одамга ўхшайди.

Яна айтади: Қаердаки комил ақлни кўрсанг, у ерда очкўзлик ва ахлоқсизликни кўрмайсан.

Яна деди: ғазаб устида турган одам билан уришма, уни ўша онда ўз ҳолига келтириш қийин, балки бу пайтда унинг ғазаби янада зиёд бўлади. Чунончи бу ҳақда шундай дейдилар:

**Икки оқил ҳеч қачон**
**бир-бири**
**билан уришмайди.**
**Доно одам эса**
**енгилтак киши билан**
**тортишмайди.**
**Нодон киши ваҳшат**
**билан қаттиқ гапирса,**
**Ақлли одам юмшоқлик**
**билан кўнгил олади.**
**Бундай қилишмаса,**
**демак ҳар иккови ҳам**
**нодондирлар,**
**Ҳатто занжир бўлса,**
**занжирни ҳам узишади.**

Яна деди: уч одамга менинг кўнглим ачишади, камбағалга айланган бойга, хорликка мубтало бўлган азиз кишига ва нодонлар орасига тушиб қолган олимга.

**Ҳақли одамга нарса**
**бермоқчи бўлсанг,**
**ялинтирмасдан бер.**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

***Куни кеча Юнусобод туманида жойлашган 31-Меҳрибонлик уйида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан ташкил этилган «Меҳнат байрами» кўрик танлови ниҳоятда кўтаринкилик ва ўзгача шоду хуррамлик тарзида бўлиб ўтди.***

Шаҳримиздаги барча Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ёрдамчи мактаб-интернат ўқувчилари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўқув йили якунида ушбу байрам ўтказилишининг ҳам ўзига яраша маъно-мақсади бор. Бир йил давомида ўқувчи-ёшларнинг меҳнат дарсларида олган билимлари, ўқитувчиларнинг қай даражада касб-ҳунарга ўргата олганлари ушбу тадбирда ўзининг яққол ифодасини топади.

Аввало тадбир ўтказилаётган 31-Меҳрибонлик уйининг ораста, дид билан безатилган, барча шароитлар муҳайё этилган ўқув ва дам олиш хоналари ётоқхоналаридаги шинамлик беихтиёр бизни Меҳрибонлик уйи директори Зулфия Анварова билан суҳбатга чорлади.

— Меҳрибонлик уйида ишонч билан айтишим мумкинки, ўз уйимиздан ҳам аъло даражада барча шароитни яратишга ҳаракат қиламиз, — дейди директор фахр билан. —160 нафар 6 ёшдан 18 ёшгача болалар таълим-тарбия оладиган масканимизда 9 та тўгарак мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. Мақсадимиз болаларимиз ҳаётда бирон касб-ҳунарли бўлиб ўз йўлини топиб кетишларига эришишдир.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров, «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармаси директори Жавлон Эгамбердиевлар иштирокчиларга омад тилаган ҳолда, меҳнат инсонни улуғлаши, келажакда уларнинг Ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги, эл ободлиги учун муносиб фарзандлар бўлиб етишишлари йўлида эзгу тилаклар билдирдилар.

Қизғин ва муросасиз ўтган танловда «Энг яхши рассом», «Энг яхши уй бекаси», «Энг чиройли кийим», «Энг иқтидорли чевар» каби қатор шартлар бўйича беллашган ўқувчиларнинг ушбу кўрикка катта тайёргарлик кўришгани яққол кўриниб турди.

Ҳайъат аъзолари бир-биридан мукаммал бажарилган топшириқлар, савол-жавоблар бўйича жамланган балларни ҳисоблаб 31-Меҳрибонлик уйи ғолиб деб топилганини эълон қилганларида гулдурос ва давомли қарсаклар янграб ғолиб адолатли тарзда ҳал этилганидан дарак берди. Шунингдек, иккинчи ва учинчи ўринлар ҳам муносиб тарзда 52, 199-ёрдамчи мактаб ва 30-Меҳрибонлик уйларига берилди.

Ушбу байрамнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шунда бўлдики, шартлар ўқувчилар томонидан бажарилаётган вақтда болажонларнинг Дилноза Исмияминова, Диёрбек Маҳкамов, Оксана Нечитайло каби севимли хонандалари ижросида шўх куй ва қўшиқлар янграб, тадбирнинг ниҳоятда серзавқ ўтишига хизмат қилди. Ўйлаймизки, бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши ўсиб келаётган ёш авлоднинг келгусида меҳнатсевар бўлиб вояга етишларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: 31-Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган «Меҳнат байрами» тадбиридан лавҳалар. Сергей Любчич олган суратлар.**





*Ҳамкорлик*

# ДАСТУР ИШТИРОКЧИЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

***Procter & Gamble компанияси 1998 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан Соғломлаштириш таълим дастурларини ҳамкорликда амалга оширмоқда.***

Ушбу дастурлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 сентябрдаги фармойиши билан тасдиқланган ва «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига киритилган. Ушбу дастурларнинг тажрибали ўтказилишини инобатга олган ҳолда 2003 йилдан ҳамкорлик ҳақидаги Битим кейинги 5 йилга яна узайтирилди.

Яқинда Яккасарой туманидаги 118-ўрта мактабда «Балоғат даври» ва «Жозибадор табассум» дастурлари бўйича очиқ дарслар тақдимоти бўлиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, «Балоғат даври» дастури — Always савдо белгиси ҳомийлигида балоғат давридаги физиологик ва гигиеник ўзгаришлар бўйича ўсмир-қизлар учун ўқув амалиётларидир. Ушбу дастур соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, репродуктив саломатликни сақлаш ва гигиеник маданиятни оширишга йўналтирилган. Жами 1998-2003 йиллар давомида «Балоғат даври» дастурида Ўзбекистоннинг 7 та вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрининг 168 минг нафар 6-7-синф ўқувчи қизлари иштирок этишди.

2003-2004 ўқув йили давомида «Балоғат даври» дастури бўйича Тошкент шаҳрининг 19 минг нафар ўрта мактабларининг 6-синф ўқувчи қизларини ўқитиш режалаштирилган. Шахсий гигиенанинг асослари, анатомия ва физиология бўйича 30 нафар малакали шифокор-гинекологлар қизлар учун семинарлар ва маърузалар ўтказишади. Дастурда иштирок этган ҳар бир қиз Always савдо белгиси томонидан тақдим этилган замонавий шахсий гигиена воситаларидан намуна ва ўқув қўлланмасини олади.

«Жозибадор табассум» дастури Blend—a—med савдо белгиси ҳомийлигида шахсий гигиена ва оғиз бўшлиғи гигиенаси бўйича бошланғич синф ўқувчилари учун ўқув амалиётидир. Ушбу дастур болалар ўртасида стоматологик касалликларнинг олдини олишга йўналтирилган. 1997-2002 йиллар давомида «Жозибадор табассум» дастури бўйича ўтказилган дарсларда Ўзбекистоннинг 11 та вилоят марказлари ва Тошкент шаҳридан 400 минг нафар бошланғич синф ўқувчилари иштирок этишди.

2003-2004 ўқув йили давомида «Жозибадор табассум» дастури бўйича Тошкент шаҳрининг ўрта мактабларида таълим олаётган 17 500 нафар 2-синф ўқувчиларини ўқитиш режалаштирилган. Оғиз бўшлиғи гигиенаси бўйича дарсларни бошланғич синф ўқувчиларига 40 нафардан ортиқ малакали шифокор-стоматологлар олиб боришади. Дастурда қатнашган ҳар бир ўқувчи ўқув қўлланмаси билан таъминланади.

Дастурларнинг ҳар бир иштирокчисига Procter & Gamble компанияси томонидан хайрия ёрдами сифатида ўқув қўлланмалари ва замонавий гигиеник воситалар тақдим этилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Анжуманлар*

# МАЗМУНЛИ ЎТДИ

***Кеча Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика факультетида «Олий ўқув юртларида халқаро журналистика соҳаси мутахассисларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.***

Анжуманни университет ректори Ғайрат Шоумаров очар экан, журналист бугунги куннинг фидойи, жонкуяр вакили эканлигини, халқнинг дарди, қувонч ва ташвишларини одилона тарзда ёритиб бериши кераклигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, филология фанлари номзоди, доцент Хислатхон Маҳмадалиев «Халқаро журналистиканинг ютуқ ва муаммолари», профессор Файзулла Мўминов «Ахборот халқаро журналистика фанининг таркибий қисми» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Саъдий «Бугунги матбуотда таҳрир муаммолари» хусусида гапирди. Анжуманда «Халқаро мавзулардаги публицистик асарларни ўрганиш тажрибаси», «Матбуот фаолиятида халқаро андозалар», «Телевидение ва радиода сиёсий шарҳловчи маҳорати», Халқаро журналистикага ихтисослашган кафедралари қандай бўлиши керак?», «Глобаллашув ва Ўзбекистонда халқаро журналистика бўйича кадрлар тайёрлашнинг сиёсий аҳамияти» борасида сўз борди, фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

**Гулнигор САТТОРОВА**

*Бу — қизиқ*

## ОХИРИ БАХАЙР БЎЛСИН

Лотин Америкасида аёллар ҳали бунчалик ашаддийлашиб кетмаган эди. Ҳамма гап шундаки, альпинизм билан ниҳоятда кўп хотин-қизлар шуғулланаяпти.

Борган сари фақат «амазонка»лардан иборат экспедициялар одат тусига кирган. Бундан бир неча йил олдин Лотин Америкасидаги етти давлатнинг 12 аёли Боливиядаги Уайна-Потоси чўққисига кўтарилган эди. 1987 йили эса 14 альпинист аёл бирин-кетин Аргентинадаги Аконгауа, Чимборасо ва Эквадордаги Котопахи чўққиларини забт этишди. Сўнгра эса ўжар аёлларга Уаскаран чўққиси ҳам «тиз чўкди».

Чамаси жанубий америкалик аёллар улар учун энг улуғ чўққи ҳисобланган эркаклар қалбини забт этишни унутиб қўйишганга ўхшашади. Ҳай, охири бахайр бўлсин-да ишқилиб.

## ШИРИН КУЛБА

Жакарта мэрияси биносининг залида оддийгина яваликнинг уйи қад кўтарди. Унинг баландлиги 6 метр, кенглиги 7,5 метр, узунлиги 5,5 метр келади. Уй-ку одатий уй, лекин унга сарф бўлган материал бу ерга келувчиларни ҳайратга солди. У 51.090 дона пирожнийдан тикланган. Унинг ёнида катталиги ўн метр келадиган Индонезиянинг тимсоли бўлган афсонавий қуш Гаруда ҳам бор. У тўлалигича қанддан ишланган.

Ушбу ишларни бажаришдан мақсад — Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олиш! Лекин бечора муаллифларга осон эмас! Мабодо нафси бузуқлар оғзининг суви келиб уй ҳамда қушни еб қўйишса борми?

## ҒАЛАТИ ДАРАХТ

Африка жанубидаги хилват ўрмонлардан бирида марула деган дарахт ўсади. Унинг меваси пишган пайтда ўша атрофда яшовчи жамики ҳайвонлар ва паррандалар кайфсафо маросимига йиғиладилар. Улар марула дарахтининг мевасини еб, маст бўлишади. Меванинг шираси ҳайвон аъзосида спиртга айланади.

Кайфи ошган ҳайвонлар дарахт атрофида хушдан кетиб йиқилгунча ўйнайдилар. Фил бир оёғида туриб айланади, маймун эса шохдан-шохга сакрайверади. Дарахт атрофига йиғилган ҳайвонлар бир-бирларидан ҳайиқмайдилар, кимлигининг фарқига бормайдилар.



— Табассум қил, болажон.

*Қатралар*

## ТУШУНСА ҲАМ...

Тут дарахти кўм-кўк барг ёзди. Барги шапалоқ-шапалоқ бўлгач, ипак қуртга солиш учун новдаси билан кесиб олишди. Тутнинг ёнида ўсаётган қайрағоч эса бу ҳолдан кулади:

— Мени яйраб ўссин, деб новдаларингни кесиб кетишаяпти, қадринг йўқ-да, сен бечоранинг. Баландлаб ўсишингга йўл қўйишмайди.

— Керакдурманки, кесишади, — тут бошқа гап айтишга ботина олмади.

Тутнинг кесилган жойидан ғужғон новдачалар ўсиб чиқади.

— Авж олиб ўсганларинг билан не фойда. Барибир кесиб кетишади, дея қайрағоч тут новдалари устидан қора булутдек соя ташлайди.

— Юртга фойдаси тегиб турса-ю, сен унинг орзилаб ўсишига йўл бермасанг, — дея қўл қайрағочнинг тагидан арра солади.

— Тўхтанг, тўхтанг, — дейди шохлари билан дириллаган қайрағоч, — қўшнимга халақит бераётган қўлларимни қирқинг, ўтинаман.

— Шох-шаббанг ҳам, тананг ҳам керакмас. Тут эса юртга қадрли. Сенинг соянг-ла эзилмай, яйраб ўсиши керак.

Қайрағоч, тутга халақит бермай яшайверсам бўларкан, дея қарсиллаб оҳ чекади-ю, сўнг ерга гурсиллаб тушади.

Бор ҳақиқатни тушунса ҳам ўз манфаати йўлида тушунмаганга олганнинг ҳоли шу-да.

## ОМБИР ВА БОЛҒА

— «Тақ-тақ»лаб мих қоқишдан тинимим йўқ. Сен бўлсанг жағингни оче-е-еб тинчгина ётибсан, — омбирдан гина қилди болға. Омбир индамади. Иш доим равон, беҳато бўлавермас экан. Болғанинг хиёл нотўғри ҳаракатидан мих тахтани тешиб ўтолмай эгилиб букчайди.

— Михни чиқараман, деб уринма. Бу менинг вазифам, — деди омбир. Ва михни қаттиқ тишлаб суғурди-да, тўғрилаб йўлга солди.

— Сен менинг дардим билан яшаётган экансан, узр, — деди болға яна «тақ-тақ»ини бошлаб.

## ОЧКЎЗЛИК

Кунлар илиб қиш чекинди.

— Совуқ жойларга учмасак ҳолимиз вой бўлади, — деди дарахт шохларидаги қарғалардан бири.

Қарғалар галалашиб учиши билан бири ортда қола бошлади. — Кузда ерга кўмиб беркитган ёнғоқларимни топиб еб олай. Сўнг тезроқ учиб, сафдошларимга етиб оламан, — деди ўзича. Ёнғоғини излай-излай топиб еяётганда қамишзордан югуриб чиққан тулкига ем бўлди.

«Нафсига қул бўлган — яхшилик топмас», деганлари шу бўлса керак.

## ҒАЛВИР ВА ЭЛАК

Ғалвир:

— Мунча имиллайсан. Удли-шудли бўлиб ишнинг кўзини билсангчи. Мени қара: унча-мунча донни кўрдим, демай дарров элаб ташлайман.

Элак:

— Шошқалоқлаб қилган ишинг менга юк бўлиб тушганини нахот билмасанг. Эзилиб ишлашим сен туфайлику. Ўзингни мақтаб яна сўз билан эзганинг ёмон.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

*Кўргазмалар*

## ЮРТ ЖАМОЛИ

***Куни кеча Ўзбекистон Амалий санъат музейида республика Маданият ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган истеъдодли мусаввир Акмал Жамолов асарларининг кўргазмаси очилди.***

Унда рассом сўнгги йилларда яратган, асосан манзарали жанрга оид 28 та ижод намуналари намойиш этилмоқда. Кўргазманинг «Устоз ёди» деб номланиши бежиз эмас. Чунки Акмал Жамолов таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётган Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ўрол Тансиқбоевни ўзининг устозларидан бири деб ҳисоблайди.

— Мен Ўрол Тансиқбоев ижодини қадрлайман, яратган асарларини севаман, улардан ибрат оламан, ўрганишга интиламан. Асарларимнинг мавзулари, мазмун-руҳи бундан далолат бериб турганлиги шундан бўлса керак, — дейди мўйқалам соҳиби.

Мусаввир Акмал Жамолов Ўзбекистон халқ рассомлари Неъмат Қўзибоев, Раҳим Аҳмедовни ҳам ўз устозларидан деб ҳисоблайди ва уларнинг ижодини синчиклаб ўрганишга ҳаракат қилади. Шунинг натижасида ёш мусаввирнинг ўз ижод услуби, мавзулар ифодаси доираси қамрови шаклланиб улгурди. Кўргазмадаги катта-катта сермазмун, маҳоратли бажарилган полотнолар қаторидан жой олган «Тоғда куз», «Чорбоғ», «Дала», «Чимён», «Оқшом», «Угам дарёси», «Булоқ», «Сирдарё», «Қиш», «Тоғда баҳор», «Сўқоқ» номли асарлар буни исботлаб, томошабинлар эътиборига сазовор бўлмоқда.

Самарали ютуқларга эришаётган ўзи танлаган ижод йўлидан дадил бораётган Акмал Жамолов 10 йилдан зиёд вақт мобайнида мунтазам равишда нуфузли кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда. Яна, Миллий рассомлик ва дизайн институтининг «Театр безаги» бўлимида педагогик фаолият билан шуғулланиб, шогирдлар етиштириш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Кўргазманинг очилишида иштирок этган Миллий рассомлик ва дизайн институтининг домлалари, мусаввирлар Рустам Худойберганов, Анатолий Жибоедов, Амалий санъат музейи директори Турғун Дўстоев, Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шарипов уста мусаввир ижоди қирралари хусусида батафсил тўхталиб ўтишди. Акмал Жамоловга ижодий омадлар тилашди.

**Баҳром ТОЖИЕВ,**
**санъатшунос**

***Қутуриш — оғир, натижаси ўлим билан якунланувчи юқумли касалликдир. Касаллик билан барча иссиқ қонли ёввойи ва уй ҳайвонлари оғриши мумкин.***

*Мутахассис маслаҳати*

# ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Ушбу касалликка чалинган ҳайвонлар соғлом одамни тишлаганидан сўнг ва сўлаги тушганида касалланиши мумкин. Касаллик қўзғатувчиси — касал ҳайвон сўлаги орқали ажралади. Ҳар йили тиббий ёрдам учун ҳайвонлар тишлаган юзлаб одамлар тиббиёт муассасаларига мурожаат қилмоқда. Мурожаат қилганларнинг 25-30 фоизини дайди итлар, 70-75 фоизини эса хонадонлардаги итлар тишлаганлиги маълум бўлди.

Касалликни йўқотиш мақсадида давлатимиз томонидан вакцина олиб келиш учун катта миқдорда маблағ сарфланмоқда. Ҳар бир туманда кун давомида узлуксиз ишловчи травматологик шохобчалар тиббий ёрдам кўрсатиш учун фаолият кўрсатмоқда. Ҳайвон тишлаши билан зарарланган шахс зудлик билан оилавий поликлиниканинг шифокор-жарроҳига ёки травматологик шохобчага мурожаат қилиши лозим.

Тишланган жой ёки сўлак теккан тана қисми албатта 20 фоизли совун эритмаси билан ювиб ташланиши керак. Антирабик эмлаш керакли таъсир кўрсатиши учун тишланган куниёқ эмлашга келиш керак. Эмлаш ишлари шифокор рухсатисиз тўхтатилмаслиги, даволаниш курси даврида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш мумкин эмас. Одамни тишлаган ёки тирнаган ҳайвонни туман ветеринария бўлимига юбориш керак ва 10 кун давомида кузатув олиб бориш жоиз. Уларни йўқ қилиб юбориш мумкин эмас, бўлмаса эмлашнинг бутун курсини олишга тўғри келади. Ҳамма уй ҳайвонлари туман ветеринария бўлими томонидан рўйхатдан ўтган бўлиши керак ва қутуришга қарши ҳар йили эмланиб турилиши лозим. Хонадонда фақат битта ҳайвон сақлаш мумкин. Мавзеларда ҳайвон айлантириш учун майдончалар ажратилган бўлиши ва итларни арқонда ниқоб кийгизилган ҳолда айлантириш керак. Дайди ҳайвонларнинг тўпланишига йўл қўймаслик учун кўп қаватли биноларнинг ертўлалари ёпиқ бўлиши талаб этилади. Юқоридаги қоидаларга риоя қилинса одамнинг қутуриш касаллигига чалинишининг олди олинади.

**А.АЛЕКСЕЕВА,**
**Чилонзор тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази врач эпидемиологи**

*Спорт*

## ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТИ

***Маълумки, шу йилнинг август ойида Афинада бўлиб ўтадиган олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини берувчи саралаш мусобақалари ниҳоясига етмоқда.***

Қозоғистонда дзюдо бўйича ўтказилган Осиё чемпионати ҳам спортнинг ушбу тури бўйича олимпиадага охирги саралаш мусобақаси бўлди.

Қувонарли томони шундаки, унда дзюдочиларимиз аъло даражада қатнашиб, барча ҳамюртларимизни шод этишди. Хусусан, 81 килограммгача вазнда Рамзиддин Саидов чемпион бўлган бўлса, яна тўрт курашчимиз— Эгамназар Акбаров, Абдулла Тангриев, Мурат Каликулов ва Вячеслав Перетейколар бронза медалларини қўлга киритишди.

Санжар Зокировга эса бешинчи ўрин насиб этди. Мусобақа низомига кўра илгари ўтказилган мусобақаларда йўлланмаларга эга бўлишга улгурган Э.Акбаров ва А.Тангриевлардан ташқари, юқорида тилга олинган тўрт дзюдочимиз олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Шу тариқа ҳозирга қадар ҳар хил спорт турлари бўйича вакилларимиз олимпиадада қатнашиш учун қўлга киритган йўлланмалар сони олтмиштага етди.

## УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА — УЧИНЧИ

***Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.***

Қитъа чемпионатида ўн бир мамлакатдан ташриф буюрган юзга яқин курашчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Мутахассису мухлислар 74 килограммгача вазнда иштирок этган ҳамюртимиз Александр Докторашвилининг маҳоратига тан беришди. У барча рақибларини бирин-кетин енггани ҳолда қитъа чемпионлигини қўлга киритди.

60 килограммлилар баҳсида қатнашган Дилшод Орипов ва 96 килограммгача вазнда татамига тушган Алексей Чеглаковларга бронза нишонлари насиб этди. Яна бир спортчимиз — енгил вазнли полвон Акбар Қўзиев ярим финалда ютқазиб қўйганлиги сабабли тўртинчи ўрин билан кифояланди.

Умумжамоа ҳисобида юнон-рум курашчиларимиз Осиё чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Униб-ўсиб келаётган ёшлар келажак эгаларидир. Уларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишлари йўлида республикамизда катта саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Хусусан куни кеча «Туркистон» саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг III анжумани ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди.***



*Анжуманлар*

## «КАМАЛАК»НИНГ ЎЗИГА ЯРАША ЎРНИ БОР

Юртимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда «Камолот» ЁИҲнинг тутган ўрни беқиёсдир. Ҳаракат ташкил топган дастлабки кунлардан бошлаб, келажак эгалари бўлган ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида, соғлом ва баркамол бўлиб камол топишларига катта эътибор бериб келинмоқда. Шу билан бир қаторда ҳаракат ҳомийлиги остида фаолият олиб бораётган «Камалак» болалар ташкилоти ҳам «Камолот»нинг ҳар томонлама мукаммал аъзоларини вояга етказиб беришда бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда.



—«Камалак» болалар ташкилотининг ташкил топганига 3 йил тўлмоқда, — деди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашининг раиси Ботир Убайдуллаев. — Шунга бағишлаб, «камалак»чилар ўзларининг навбатдаги анжуманини ўтказмоқда. «Камолот» ЁИҲ олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва унинг ҳомийлигидаги «Камалак»болалар ташкилотининг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Анжуман олдингиларидан бир қанча жиҳатлари билан фарқ қилади. Масалан, бу йилги анжуманда уч йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб ютуқ ва камчиликлар яна бир бор муҳокамадан ўтказилди. Шунингдек, келгусидаги ишлар режалаштирилиб, «камалак»чиларнинг энг фаол сардорларига ва «Сардор — 2004» кўрик-танловининг финал босқичи ғолибларига турли йўналишлар бўйича махсус совғалар ҳам топширилди. Энг муҳими, анжуманни ўтказишда одатдаги расмиятчиликлардан ҳоли бўлишга ҳаракат қилинди.



Дарҳақиқат, анжуманда пойтахтимизнинг 11 та туманидаги энг фаол «Камалак» болалар ташкилотининг аъзолари қатнашиб, унинг ёшлар кўнглида узоқ вақт сақланиб қолиши учун ҳаракат қилинди. Шунингдек, анжуманда эстрадамиз юлдузлари томонидан куй-қўшиқлар янграб йиғилганларни хушнуд этди.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Туркистон» саройида бўлиб ўтган «Камалак» болалар ташкилоти анжуманидан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

***«Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол халқимиз орасида юради. Хўш, қуш уясида кўрмаганини қилмайдими? Масалага ойдинлик киритиш мақсадида ҳаётда бўлиб ўтган бир воқеа тафсилотига назар ташласак...***

Нодир яхши оилада камол топган, ота-онаси ўқимишли, ўғлининг роҳатини кўришни орзу қилади. Нодир эса дўстларида бор нарсага ҳавас нигоҳи билан боқади. У дўстлари билан сигарета чекар, спиртли ичимликлар ичиб, турли хилват жойларда ноқонуний равишда қўйиладиган беҳаё киноларни кўрар, хуллас у доим дайдиб юрар эди. Охир-оқибат у ўғрлик домига тушди. У осон йўл билан пул топиш сирларини ўрганди. Бу ножўя ҳаракат эса унинг ёш умрини хазон қилишга олиб келди.

Нодир Яккасарой тумани, Глинка кўчаси олдидаги тижорат дўконига бир амаллаб кириб, фуқаро Шеровнинг дўконидан 250.000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаб кетаётган вақтида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

● Ҳозирги кунда баъзи кишилар меҳнат қилиб пул топиш ўрнига бировларнинг пулига кўз олайтириб ўғрилик касбини ўзларига эп билишмоқда. Афсуски, бу қалтис иш уларни темир панжара ортига етакламоқда.

Акмал Икромов туманидаги «Карвон» бозори олдида илгари ҳам қалтис иш билан шуғулланган Искандар бу гал Улуғбек қишлоғида яшовчи Қорахўжаеванинг қўлидаги елим пакетни лезвие билан кесиб 140.000 сўм пулни ўғирлаб кетаётган пайтда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

**Дилдора РАҲИМОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи мухбири.**

***«Трактор» спорт мажмуаси ёшларнинг севимли марказига айланиб қолди. «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти қарашли бу чиниқиш ва соғломлаштириш даргоҳида ҳозир бир нечта спорт секциялари ишлаб турибди.***

## БАРЧА ШАРОИТ МУҲАЙЁ

Эътиборли томони шундаки, уларнинг аксарияти бепул хизмат кўрсатмоқда. Жумладан, футбол, шахмат, сузиш секцияларида шуғулланаётган ёшлар бундай қулайликдан фойдаланадилар.

Бундан ташқари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам ўқув машғулотлари бепул уюштирилмоқда. Дзю-до, кураш каби спорт турлари бўйича мусобақалар учун сарфланадиган маблағлар ижтимоий суғурта ҳисобидан қопланмоқда.

Хўжалик ҳисобидаги «Трактор» футбол клуби ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаби ҳам бундай имтиёзлардан баҳраманд бўлмоқда.

**Аҳмад ЙЎЛЧИЕВ**




Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4273 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-607. 1234 . 6